

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ КАФЕДРАСИ**

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА
(ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА) фанидан**

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: Телевидениеда жанрларнинг
хилма-хиллиги**

Бажарди: халқаро журналистика факультети

4-босқич, 401-гуруҳ талабаси Ҳ.Усмонова

Илмий раҳбар: ф.ф. номзоди А.Каримов

Тошкент-2015

ТЕЛЕВИДЕНИЕДА ЖАНРЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

РЕЖА

I. КИРИШ

II. АСОСИЙ ҚИСМ:

- 1. Ахборий дастурларда жанрларнинг хилма-хиллиги**
- 2. Таҳлилий кўрсатувлар – жамият ривожининг асоси**
- 3. Санъат акс этган бадий-публицистик жанрлар ҳамда рекреатив кўрсатувлар**
- 4. Тележанрлар интеграциясини юзага келтирувчи омиллар**

III. ХУЛОСА

IV. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

“Жанр” сўзи французча сўздан олинган бўлиб, “тур”, “хил” деган маъноларни англатади. Журналистика жанрлари деганда эса, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) матнларининг умумлаштирилган ва типиклаштирилган, воқеликнинг акс эттирувчи бадиий ва публицистик шаклини тушуниш мумкин. Бу тушунча малумотларнинг билиш усуллари, унинг акс этиши ва ижтимоий амалиётга таъсир ўтказишига кўра асар мазмуни ва шаклининг умумий хусусиятларини англатади.

Мавзунинг долзарблиги. Тележурналистика жанрлари кўлами жихатдан ижтимоий ҳаётдаги энг катта ва тарихан узун, абадий мавзулардан ташқари кундалик янгиликларгача, яъни бутун ҳаётни қамраб олади. Лекин баъзи жанрлар бир-бирига шунчалар яқинки, уларни ўзаро ажратиб олиш қийин кечади. Кейинги йилларда телевидение соҳасида қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Шу сабабдан, мазкур курс ишида мазкур мавзунини ҳар томонлама ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланган.

Хусусан, тележурналистика назариясига киритилган, қўлланаётган анъанавий жанрлар туркумига янги замонавий – телебат, телекўприк, ток-шоу каби жанрлар кириб кела бошлади. Шунинг ҳам алоҳида айтиб ўтиш керакки, маълум мавзуга бағишланган телекўрсатувлар йиғиндиси тележурнал деб аталиши ўрганилди.

Жаҳон телевидениелари билан бир қаторда Ўзбекистон телевидениеси дастурларида ҳам мазкур жанрларда тайёрланган янгидан-янги лойиҳалар пайдо бўлди. Замонавий телевидениеда журналистлар қўллаётган асосий жанрларни тизимлаб, уларнинг маълум ютуқ, муаммо ва камчиликларини кўрсатиб бериш бугунги кун телевидениеси учун долзарб ҳисобланади. Курс ишида тележурналист амалда қўллаётган жанри орқали бевосита инсон онгига чуқурроқ ва тезликда таъсир кўрсатиши ҳақида илмий адабиётларда танишилди.

Маълумки, тележурналистика жанрлари ҳам матбуот жанрлари билан телевидение хусусиятининг қўшилишидан келиб чиқади. Публицистика билан бир қаторда санъатнинг турли кўринишларидан фойдаланиши сабабли ундан меҳнат жамоа тарзида қурилади, яъни журналистика, тасвирга олувчилар, санъат талабларини бажарувчи – режиссёрлар ҳамда оғзаки нутқ усталари – бошловчи ва суҳандонлар, шарҳловчилар ҳамкорликда иш олиб борадилар. Матбуотнинг ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик жанрлари телевидение хусусиятлари билан муштарак ҳолда ривожланиб бормоқда.

Курс ишидан кўзланган мақсад ва вазифалар. Телевидениеда ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик жанрлар мавжуд бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир нечта таркибий қисмларга бўлиниб кетади. Бунда воқеа-ҳодисага қай томонлама ёндашилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Аслида, журналистик жанрларнинг қатъиян бўлиниши назарияда мавжуд, амалиётда эса бу кўпроқ ахборий жанрларга алоқадор. Сабаби, кўпчилик жанрлар бири-бирига сингиб кетиш ҳамда бири бошқасини тўлдириш хусусиятига эга. Мазкур курс ишида эса анъанавий жанрлар ва интеграция натижасида янгидан юзага келаётган жанрларни тадқиқ этиш ҳисобланади. Бунда соҳага оид адабиётлар билан танишиш асосий мақсад қилиб олинди.

Кузатувларга қараганда, телекўрсатувлар орасида ахборот дастурлари кўпчиликнинг эътиборини қаратади. Чунки одамлар ҳар соат, ҳар дақиқда янгиликка, янги хабарга ташналик сезадилар. Бу эса, бугунги кун журналистларидан катта масъулиятни талаб этади. Ахборийга *хабар, интервью, ҳисобот, янгилик, суҳбат, луқма (реплика)*, яъни *телерепортаж*га қадар бўлган барча жанрларни киритиш мумкин. Зеро, ахборот тушунчаси қайсидир маънода маҳсулот ҳаракетирини олар экан, ўз-ўзидан рақобат ҳам юзага келади. Айниқса, телеэфирларда бу ҳол яққол кўзга ташланади. Бинобарин, информация тарқатиш борасида телеэфирлар учун кеча ва эрта деган тушунчалар қайсидир маънода бегона. Фақатгина тафсилотлари бир

ёки бир-неча кунга чўзиладиган ахборотлар турли жанрлар орқали берилишини истисно қилганда, албатта.

Таҳлилий кўрсатувлар *телешарх (телекомментарий), телетаҳлил (телеобозрение), суҳбат, баҳс, ток-шоу (томошабинларнинг фаол иштирокида олиб бориладиган телекўрсатувлар)*ни киритиш мумкин. **Телешарх** журналистдан юксак истеъдод, катта қобилият, ақл (интеллект), нозик таъб, чуқур билим, бой ҳаёт тажрибаси, бағрикенглик, дипломатик қобилият, одилona ва принципиал ёндошув лозим. Шунингдек, Телевидение жанрлари булар билан чекланиб қолмасдан санъат турларига доир ҳам бўлиши мумкин. Масалан, адабиёт ва унинг бир тури бўлган драматургиянинг телевидениедаги кўриниши сифатида *теленовелла (телевизионлаштирилган ҳикоя), телеспектакль, телеинсценировка, телеминиатюра, муסיқа санъати билан боғланиб кетувчи телеконцерт, телешоу* кабилар шулар жумласидан.

Курс ишининг янгилиги. Мазкур курс ишида тележурналистика жанрлари, хусусан, ахборий, таҳлилий, бадий-публицистик жанрларнинг ўзига хос жиҳатлари билан бир қаторда мазкур жанрларнинг интеграциясини юзага келтирувчи замонавий жараёнлар ҳақида сўз боради. Бунда назарий билимлар бугунги кунда нечоғлик амалиёт билан мослиги қиёсий таҳлил асосида ўрганилган.

1. **ин**

2.ТАҲЛИЛИЙ КЎРСАТУВЛАР– ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ АСОСИ

Таҳлилий кўрсатувлар **телешарх (телекомментарий), телетаҳлил (телеобозрение), суҳбат, баҳс, ток-шоу (томошабинларнинг фаол иштирокида олиб бориладиган телекўрсатувлар)**ни киритиш мумкин. **Телешарх** журналистдан юксак истеъдод, катта қобилият, ақл (интеллект), нозик таъб, чуқур билим, бой ҳаёт тажрибаси, бағрикенглик, дипломатик қобилият, одилона ва принципиал ёндошувни талаб қилади.

Таҳлилий публицистика — тележурналистиканинг анча мураккаб услуги сифатида намоён бўлади. **Шарх** — таҳлилий публицистиканинг анъанавий доимий жанри ҳисобланади. Шархнинг бош мақсади — ижтимоий сиёсий воқеаларни ёритиш, айрим ҳолларда телетомошабинлардан яширин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини очиқ бериш, келажакда уларнинг воқеа ривожига таъсирини тушунтириб беришдан иборат. **Суҳбат** — таҳлилий публицистиканинг ўзига хос телевизион жанридир. Суҳбат одатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахлоқ-одоб, илмий ва бошқа мавзуларда бўлиб, тез-тез катта баҳсларга айланиб кетиш ҳоллари учраб туради. Барча суҳбат аввалдан пухта ишлаб чиқилган сценарий асосида ташкил этилади.

Жанрлар тизимида **суҳбат** ва **интервью** муҳим ўрин тутadi. Аммо баъзида бу икки жанрларнинг аралашиб кетганига гувоҳ бўламиз. Бу жанрларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари мавжуд. Суҳбатда кўпинча иккитадан ортиқ киши қатнашади. Агар ана шу талаб билан ёндашилса, *“Маданият ва маърифат”*, телеканалида эфирга узатиладиган *“Оқшом гурунглари”*, *“Кўнгил бекатлари”* кўрсатувлари битта суҳбатдош қатнашгани боис интервью ҳисобланса, аммо том маънода кўрсатувларни суҳбат дейиш мумкин.

Мисол учун, *“Юлдуз Файзий муаллифлигидаги “Кўнгил бекатлари” кўрсатувини олайлик. “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири*

адабиётшунос олим Шухрат Ризаев билан ўтган суҳбатда адабий жараён, маънавиятга дахлдор дадил фикр мулоҳозалар билдирилди. Суҳбатдошнинг фикрича, “Жаҳон адабиёти” журналига келгунга қадар китоб ўқийдиганлар камайиб кетгани ҳақида кўп гапирган. Суҳбатда эркин фикрлар билдиришига, бир-бирини инкор қилишига, қизгин баҳс-мунозараларга кенг ўрин берилади. Шу сабабдан, суҳбатдош фикрини йўналтирилиб, бир нуқтага қаратиб туриши учун журналист эътиборли бўлиши лозим ва у доим бошқарувчилик вазифасини эсида тутishi шарт¹”.

Баҳс — (дискуссия) — “discussio” лотин тилидан олинган бўлиб, тадқиқ этиш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш деган мазмунни билдиради. Баҳс (Мунозара) — телевидение экранидаги киши диққатини ўзига тортувчи жанрлардан биридир. Баҳсда телетомошабин жонли фикрнинг туғилиши, унинг ривожланиши, мақсадга қараб йўналишини яққол кўриб туради. Телетомошабин унда, турли фикрлар тўқнашуви жараёнининг шохиди бўлади. Фикрлар тўқнашуви одатда кўрсатувни томоша қилиб ўтирганларни ҳам муаммони тадқиқ этиш жараёнига жалб қилиш хусусиятига эга. Бошловчи бу ҳолларда студияга таклиф этилган ва баҳсда иштирок этаётган аудитория билан мутахассислар ўртасида бошқарувчилик, воситачилик вазифасини бажаради.

Ток—шоу. Ток-шоу бошловчи олиб бораётган интервью, баҳс, ўйин, савол - жавоб, залда тўпланганлар билан суҳбатлардан иборат бўлган жанрдир. Ток-шоу бошловчиси ақлли, кутилмаган ноқулай, қалтис вазиятлардан тез ва муваффақиятли, ғалаба билан чиқиб кета оладиган, сўзга чечан, ҳазил-мутойибага мойилроқ, тингловчини ўзига ром қила оладиган, студияда йиғилганлар ўртасида тез, енгил ва мулойим ҳаракат қиладиган ёқимтой журналист бўлиши керак. Ток-шоу телетомошабин орзиқиб

¹ Мамадалиева Ш. Телевизион суҳбат жанрининг ўзига хосликлари, “Замонавий масс медианинг янги тенденциялари ва долзарб муаммолари (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2014, –Б.7.8

кутадиган кўрсатувлар қаторида бўлиши шарт. Ток-шоу пайтида студияда телетомошабин уланадиган телефонлар ўрнатилиши, улар билан мулоқот қилиш имконияти бўлгани маъқул.

Телевидение ходимлари талилий кўрсатувларни тайёрлашда жуда кўп хусусиятларни ўзида мужассам этиши лозим. Одам савдосига бағишланган махсус кўрсатувлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиокана ланинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг ижодий гуруҳи томонидан тайёрланиб келинмоқда. Бунда журналистлар Мадамин Сафаров, Икром Чориев сингари иқтидорли ижодкорларнинг катта меҳнати ётибди.

Мазкур гуруҳ раҳбари Мадамин Сафаров одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний меҳнат миграциясини олдини олиш масалаларига бағишланган “Адашганлар қисмати” туркумидаги кўрсатувлари учун “Олтин қалам” халқаро танловида Бош мукофотни қўлга киритди. Бу кўрсатувлар фақат телекранда эмас, жойларда ҳам намоёиш этилиб, муҳокама қилинмоқда.

“Ёшлар” телеканалида ижодкорлари томонидан тайёрланган йўлларнинг умумий аҳволи ҳақидаги кўрсатув ҳам томошабин эътиборини тортадаган таҳлилий чиқиш саналади (“Ёшлар” 29.05.2014”). Муаллиф Г.Жўраева пойтахтимиз кўчаларидаги ҳолатни таҳлилий мисоллар билан томошабин эътиборига ҳавола этган. Кўрсатувда замонавий русумдаги автобуслар аҳволи учун кенг хизмат қилаётгани эътироф этилиб, аммо йўлларнинг ўнқир-чўнқир уовларининг техник ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлаётгани қайд этилди. Шунингдек, ёқилги учун тўланаётган йўл солиғи қаерга кетаётгани рақамлар орқали кўрсатиб берилди. Бир сўз билан айтганда, телевизион журналистиканинг таҳлилий жанрлари томошабинни экран қаршисига қайтаришга хизмат қилади. Таҳлилий чиқишларда

муаммоли масаларига қанча кўп эътибор қаратилса, унинг томошабинни ҳам шунча кўп бўлади’’².

Бир сўз билан айтганда, таҳлилий кўрсатувлар жамият ривожининг асоси дейиш мумкин. Сабаби, унда кўтариб чиқиладиган типик муаммолар халққа азоб берадиган, унинг турмуш тарзига зиён етказадиган омиллардан бири ҳисобланади. ОАВ эса мазкур ҳолатни ўрганиб, мутахассис билан биргаликда унга ечим излайди, айтиш вақтида халқ ва давлат ўртасида кўприк вазифасини ҳам бажаради. Шу сабабдан таҳлилий кўрсатувларнинг сонини кўпайтириш билан бир қаторда сифатини ҳам яхшилаш лозим.

² Мамадалиева Ш. Телевизион суҳбат жанрининг ўзига хосликлари, “Замонавий масс медианинг янги тенденциялари ва долзарб муаммолари (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2014, –Б.78

3. САНЪАТ АКС ЭТГАН БАДИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖАНРЛАР ҲАМДА РЕКРЕАТИВ КЎРСАТУВЛАР

Телевидениенинг ахборот турининг шаклланиши ва оммалашуви бадий кўрсатувларга ҳам асос солди. Телевидение томошабиннинг бадий дидини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Бу борада телевидениенинг кинодан фарқли томони ҳам мавжуд, яъни у тўғридан-тўғри (трансляция) узатиш жараёнида томошабинни воқеанинг гувоҳи ва иштирокчисига айлантиради.

Телевидение жанрлари булар билан чекланиб қолмасдан санъат турларига доир ҳам бўлиши мумкин. Масалан, адабиёт ва унинг бир тури бўлган драматургиянинг телевидениедаги кўриниши сифатида **теленовелла (телевизионлаштирилган ҳикоя), телеспектакль, телеинсценировка, телеминиатюра, мусиқа санъати билан боғланиб кетувчи телеконцерт, телешоу** кабилар шулар жумласидан. Телевидение шунингдек, кино санъати имкониятларидан кенг фойдаланади. У, аввало, кинофильмларнинг ўз экрани орқали доимий кўрсатиб бориш билан бу санъатни оммага етказишда махсус канал бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, иккинчидан кино санъатига асосланган телефильмлар, ҳужжатли кино асари яратилади. Кино санъатининг публицистика билан бевосита қўшилиши натижасида вужудга келувчи ҳужжатли фильмлар ижтимоий ҳаёт воқеаларини ёритишда, инсон онгига таъсир кўрсатишда ҳамда жамоатчилик фикрини уйғотишда катта хизматни бажаради. Буларнинг ҳаммаси тележурналистика имкониятларининг кенглигидан далолат беради.

Баъзан экранда намоиш этилаётган воқеаларни тушунтириш учун изоҳга, яъни сўзга ҳожат қолмайди. Трансляция пайтидаги томошабиннинг кайфиятини, руҳиятида кечаётган ўзгаришнинг юзидаги аксини жонли эфиргина кўрсата олади. Энг иқтидорли рассом ёки ёзувчи хатто актёр ҳам ҳақиқатнинг аниқ ифодаси бўлган бундай ҳолатни ярата олмайди.

“Телевидениенинг бадиий-публицистик жанрларида баддий санъат ва юксак эстетик талабларга жавоб бера оладиган, воқеликнинг нафис санъат воситалари, образлар орқли ифода этувчи, ижодкорларнинг бадиий имконияти, актёрнинг маҳоратини тасвирловчи телевизион асарлар ва кўрсатувлар киради”³.

Бадиий-публицистик жанрларга мансуб **лавҳа, эссе, очерк, шунингдек, сатирик жанрлар – телефельетон, телефильм** спецификасидан тўғри ва мохирона фойдаланган ҳолда ТВ да ҳам инсоннинг теран ақли, нозик қалбига бориб етадиган, унинг ички дунёсини бойитадиган, миллий мафкурасини шакллантирадиган ажойиб телевизион асарлар яратишга қодир.

Телепублицистикада очеркдек муаллифдан катта истеъдод, маҳорат, ижод талаб қиладиган бошқа жанр бўлмаса керак. **Очерк** - публицистиканинг телеэкранда учрайдиган энг мураккаб жанридир. Очерк – реал ҳаётнинг, конкрет шахснинг эстетик мушоҳадасидир. Очеркда ҳаётда содир бўлган воқеа қандай содир бўлган бўлса худди шундай бадиий тўқимасиз ҳикоя қилинса ҳам образлар бироз типиклаштирилади, характерлар бадиий ташбеҳлар ёрдамида яратилади. Очерк композицияси жанр хусусиятлари бўйича драматик асарнинг ички тузилишига яқин ҳисобланади.

Адабиёт, кино ва театр воситаларидан фойдаланган ҳолда телевизион санъатдаги тамойил ва услублар ишга солиниб бадиий йўналишдаги кўрсатувлар янада кўпая бошлади. Бу жараён телевизион кўрсатувларнинг жанрий ўзгариш ва ривожланиши учун асос бўлди. Телевидение ўзида сиёсат, маънавият ва мафкура масалаларининг ёритиш, тарғиб қилиш ҳамда репродуктив намоиш қилиш имкониятига эга қудратли воситадир. Демак, телевидение оммавий ахборот ва коммуникацион восита бўлиши билан чегараланиб қолмай телевизион санъат яратиш имкониятига эга эканлигини

³ Файзиева Ф. Бадиий телевидениенинг тараққиёт босқичлари, “Замонавий тележурналистиканинг тараққиёт тенденциялари: маҳорат, тажриба, ихтисослашув (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2015, –Б.14.

амалиёт ва тажриба кўрсатади. Гарчанд бадиий телевидениеда жанрий ривожланиш йўлидаги изланишлар бугунги кунгача давом этаётган бўлса-да телевизион бадиий жанр элементларини ўзида мужассамлаштирган асарларни бадиий телевидение камолотидан дарак берувчи асарлар, деб эътироф этиш мумкин.

“Бадиий телевидениедаги кўрсатувлар доирасида бошиқа санъат турлари элементларини ўзлаштирган дастурлар (музикий, адабий-драматик, кино кўрсатувлар, болалар учун композициялар, кинофильмларнинг коммуникатив намоёниши, телефильм ва телевизион драмам)ларни ҳам санаб ўтиш лозим⁴”.

Журналист ўзи белгилаган мақсадга қараб у ёки бу жанрни танлайди. Чунки бир воқеа-ҳодисани турли усул ва кўринишларда ифодалаш мумкин. Журналистнинг тўғри усул ва кўринишларда ифодалаш мумкин. Журналистнинг тўғри танлови натижасида керакли ва ўринли қўлланган жанр кўзланган мақсадга тезроқ ҳамда осонроқ етиб боришига кўмаклашади.

Телевидениеда кечаётган ўзгаришлар ҳақида сўз борар экан, мутахассислар янги жанр ва услубларда, ўзига хос тарзда экранда намоён бўлаётган дастурлар, малакали журналистлар кучи ва маҳорати билан юзага келаётган кўрсатувлар томашабин талабларидан келиб чиқиб тақдим этиб келаётганини таъкидлашмоқда.

“Телевидениеда ахборот турининг шаклланиши ва оммалашуви билан бир вақтда техник воситалар асосида юзага келган бадиётга жумладан, телетеарт, телефильмга асос солди. “Бадиий туркумга оид кўрсатувлар бадиёт унсурларидан фойдаланган ҳолда томошабинга етказилади. Унда расмлардан, ёрқин характер, бадиий тўқималардан фойдаланилади⁵”.

⁴ Файзиева Ф. Бадиий телевидениенинг тараққиёт босқичлари, “Замонавий тележурналистиканинг тараққиёт тенденциялари: маҳорат, тажриба, ихтисослашув (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2015, –Б.15.

⁵ Багиров.Э. Очерков теории телевидения. –М.:1978. –Б.210.

Маълумки, “телевидение маданий қадриятларни тарғиб этувчи, инсон маънавиятининг шаклланишига таъсир этувчи ўзига хос кўп функцияли тизим бўлиб, у қуйидаги вазифаларни бажаришида муҳим аҳамият касб этади:

1) информатик, яъни ахборот улашувчи (эфир орқали ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий аҳамиятга эга ахборотни улашади);

2) маданий-маърифий функция (маданий соҳалар билан томошабинни таништириш, санъат ва маданият янгиликларини тарғиб этиш, миллий қадриятлар асосида янги асарлар яратиш);

3) рекреатив функцияси (томошабиннинг маданий хордиқ чиқаришига хизмат қилиш, телевизион кўрсатувлар орқали инсоннинг маънавий савиясини кўтариш);

4) интерактив функция (жамиятнинг барча қатламларини – ижтимоий, миллий, касбий, диний ва бошқа – жипслаштиришга йўналтирилган);

5) репродуктив ва яратувчи (продуктив) хусусиятларини ойдинлаштириш телевидениенинг моддий-иждодий, рецепцион-эстетик, маданий-маърифий фаолиятини аниқлаш”⁶.

“Рекреатив характердаги чиқишлар телевизион журналистика жанрлар элементларини қамраб олиши асосида, унинг оммабоплигини таъминлайдиган, таъсирчанлигини оширувчи ёрдамчи элементлар қўлланилади. Қадимдан ўзбек халқи турмуш тарзида қўғирчоқбоз, дорбоз, масҳарабозлар муҳим ўрин эгаллаган. ... Суҳбатли томоша деб қаралаётган ток-шоу жанридаги чиқишларда дам олишга ёрдам берувчи санъат

⁶ Файзиева Ф. Бадиий телевидениенинг тараққиёт босқичлари, “Замонавий тележурналистиканинг тараққиёт тенденциялари: маҳорат, тажриба, ихтисослашув (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2015, –Б.15.

турларининг латифа, теле, кино ва фотоасарлардан парчалар тоқшоуларнинг ёрдамчи элементлари ҳисобланади”⁷.

Филология фанлари номзоди А.Каримов миллий телевидениемизда эфирга узатилаётган рекреатив мазмундаги дастурларни қуйидаги гуруҳларга ажратган:

- мусикий кўрсатув ва телешоулар;
- интеллектуал ўйинлар;
- ҳажвий кўрсатувлар;
- бадиий фильмлар ва телесериаллар;
- ток-шоулар.

“Мазкур дастурлар инсон кайфиятини кўтаришга, томошабиннинг мароқли дам олишига йўналтирилганлиги билан характерлидир. Аммо, бу уларнинг барчаси дам олиш учун тайёрланади, дегани эмас, албатта. Дам олиш вазифаси телевидениенинг бошқа вазифаларини ҳам қамраб олмоқда. Замонавий тележурналистиканинг ажралмас, энг долзарб ва самарали функциясига айланиб улгурган мазкур вазифа, энг долзарб ва самарали функцияга айланиб улгурган мазкур вазифа, анъанавий жанрлар меъёр ва талбаларига ўзгаришлар олиб кирди. Телевидение амалаиётида “ахборий-мусикий”, “ахборий-дам олиш”, “ахборий-кўнгилочар”, “маърифий-кўнгилочар” сингари иборалар қўлланмоқда. Бу тушунчаларни тонгги дастурларга нисбатан бериш ҳам мумкин”⁸.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида фаолият юритаётган “Ўзбекистон” телеканалида “Ассалом Ўзбекистон!”, “Тошкент” телеканалида “Салом, Тошкент!” кўрсатувлари эфирга узатмоқда.

⁷ Каримов А. Рекреатив чиқишларнинг замонавий хусусиятлари, “Замонавий тележурналистиканинг тараққиёт тенденциялари: маҳорат, тажриба, ихтисослашув (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2015, –Б.33.

⁸ Муродова З. Миллий телеканалларда тонгги кўрсатувлар, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. – Т.:2013, –Б.68.

Тонгги дастурларнинг умумий хусусиятлари қуйидагиларни қамраб олиши зарур. Энг аввало, мазмун ва сифат нуқтаи назаридан тонгда эфирга узатиладиган дастурлар бироз енгил ва осон қабул қилинадиган тарзда тайёрланиши керак. Одамларга руҳан зарба берадиган хабарлар кун давомида унинг кайфиятига, иш самардорлигига, унинг атрофдаги одамлар аурасига, у фаолият олиб бораётган жамо атмосферасига салбий таъсир этиши, асаббузарлик руҳий толқишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун, бу дастурларга қўйилаётган бирламчи талабни эътиборга олиш керак.

Ахборий кўрсатувлар ҳам, таҳлилий кўрсатувлар ҳам томошабинга фақатгина ахборот беради, мушоҳадага чорлайди. Бадий-публицистик жанрларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда ҳар иккисига хос бўлган хусусиятларни олиш билан бирга рекреативлик мавжуд. Бугунги кунда эса бу кўрсатувларга бўлган талаб ортиб кетмоқда. Ижодкорлардан эса томошабинларнинг фикр мулоҳазасини билиш ва уни ривожлантириш, қикиқишдан келиб чиқиб кўрсатувлар тайёрлаш талаб этилади.

4.ТЕЛЕЖАНРЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Журналист ўз ижод намунасини яратишар экан уни аудиторияга қачон ва қандай шаклда етказиш устида бош қотиради. Сабаби, бугун ОАВ бемалол рақобатга кириша оладиган жараёнда оммага тақдим этиладиган асар ўз ўқувчиси, тингловчиси ва томошабинини топа олиши муҳим. Бунда журналист ҳам назарий, ҳам амалий билимлар, шу жумладан, жанрлар ҳақида пухта маълумотга эга бўлса, яхши публицистик асарни оммага тақдим этиши осонлашади. Бу тележурналистларга ҳам бевосита таалуклидир.

Хўш, тележанрлар нима ва уларни қандай гуруҳларга бўлиш мумкин? анр ҳақиқий ҳаётни, мавжуд воқеликни журналистик маҳорат нуқтаи назаридан ифода қилиш усули ҳисобланади. Бу борадаги адабиётларга мурожаат этадиган бўлсак, М.Муҳаммедов, Ф.Файзиева, В.Абляеваларнинг Санъат ва санъатшунослик олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган “Телевидение асослари” дарслигида келтирилишича, назарий жиҳатдан телевидение ва радиода кўрсатувлар таркибини уч гуруҳга: воқеани қисқа ва лўнда томошабинга етказиш вазифасини бажарувчи, изчиллик, холислик ва ошкоралик принципига қатъиян амал қиладиган ахборот, драматургия қонунларига бўйсунган, тайёрланиш жараёнида режиссиёр томонидан мавзу бир мақсадга йўналтирилган, режа асосида амалга ошириладиган публицистик ва муаллиф тасаввурида ўйлаб топилган, режиссиёр томонидан саҳналаштирилган мавзулар ва лойиҳалар ҳисобланмиш бадий жанрга бўлиб ўрганиш белгиланган.⁹ Китоб муаллифлари телевидениега санъат йўналиши нуқтаи назаридан ёндашиб тележурналистика жанрларини шу йўсинда тартиблаганлар. Лекин журналистиканинг назарий билимлар бу бўлиниш биров бошқачароқ. Журналистикада жанрлар уч гуруҳга бўлиб ўрганилади. Бу жанрлар,

⁹ Муҳаммедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари, – Тошкент-2009, –Б.47.

табiiйки, телевидениега, яъни тележурналистикага ҳам хос. Юқоридаги муаллифлар томонидан туркумланган жанрларда бадиий жанрлар, публицистик жанрлардан алоҳида ажратилган. Журналистикада эса бадиий-публицистик жанрлар битта жанрлар туркумига мансуб.

Назарий жиҳатдан телевидениеда эфирга узатилаётган ҳар бир асар ҳам бирор бир шаклда (жанрга) мансуб бўлган ҳолда оммага тақдим этилади. Бу шаклнинг қандай бўлиши журналистга ҳам бевосита алоқадор. Чунки ахборот тобора кичрайиб, минглаб км масофа яқинлашиб бораётган замонда яшаётган бугунги аудиторияни ҳайратга солиб, ўз ижод маҳсулига қизиқтира олиш учун журналист албатта янгиликларга қидиради. Шу сабабдан, бугунги тележурналист ўз жанрни, аввало, шахсий тажрибасига таяниб, шунингдек, фаолият олиб бораётган ОАВнинг ихтисолашуви, кўрсатувнинг қайси мавзуга оидлиги ҳамда омма талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда танлайди. Шу сабабдан, билим ва тажрибалар журналистик услубларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида янгидан-янги ифода йўсинлари юзага келмоқда. Бунда жанрларга қўйиладиган талаблар ўзгаради. Яъни уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири, улар орасидаги фарқ қисқаради.

Телевизион жанрлар интеграцияси ҳақида сўз кетар экан, аввало, унинг вужудга келиш шакллари кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Мазкур жараён икки манбага асосланиб юзага келади. Биринчиси, анъанавий жанрларнинг амалиётга кириб келиши натижасида. Бу жараёнда очерк илк бор адабиётда пайдо бўлган жанр бўлса ҳам, бугун ОАВнинг, шунингдек, телевидениенинг ҳам асосий жанрларидан бирига айланиб улгурганлигини мисол сифатида келтириш мумкин. Иккинчиси эса, янги телевизион технологияларнинг кириб келиши туфайли пайдо бўлган жанрлар. Бунда техниканинг ўзига хос хусусиятларидан, имкониятларидан фойдаланилади.¹⁰

¹⁰ Муҳаммедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари, – Тошкент-2009, 47 –Б.

Телевидениенинг назарий асослари борасида кўп йиллик тадқиқотлар олиб борган Амрулло Каримов “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар”¹¹ илмий мақолалар тўпламида келтиришича, тадқиқотчи Петер Винтерхофф-Шпурк ўзининг “*Медиапсихология. Асосий тамойиллар*” китобида “Ҳозирда анъанавий дам олиш дастурлари ўсиб, кўрсатувларнинг янги шакллари пайдо қилди ва уларнинг аксарияти ўзида кўнгилочарлик хусусиятини намоён этмоқда. Хаттоки дам олишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган жиддий дастурлар (мисол учун, янгиликлар, ахборот дастурлари, сиёсий баҳслар, таълимга оид кўрсатувлар) ҳам жанр хусусиятларини бирмунча ўзгартирди. Улар ахборот-дам олиш, хужжатли-дам олиш, таълимий-дам олиш дастурлари сифатида фаолият олиб борапти”, деб ёзади. Бу ҳолат эса телевидение жанрларининг интеграцияси жараёнини янада тезлаштиришга хизмат қилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, режиссиёр ва муаллиф кўрсатувни қандай тайёрлаб, мавзуни қандай услубда томошабинга етказмоқчи, мана шу йўлда аниқ бир мақсадга эришиш учун мўлжал олинмаса, мужмалликка йўл қўйилади. Ижодкор ўз асаридан маънавий қониқиш олиши учун эса кўпроқ ҳамкасблари амалга жорий этаётган ўзгартiriшларни мунтазам кузатиб бориши, миллий ва халқаро тажрибаларни мукамал ўзлаштириши ҳамда айни вақтда аудитория нимага қизиқаётганини тўғри баҳолай олиши лозим. Буларнинг ҳаммасини ўз олдига мақсад қилган журналистгина ахборий, таҳлилий ва бадий-публицистик жанрларда тайёрланаётган асарларнинг анъанавий бўлиб қолмаслигига ҳаракат қилиб, янгиликка қўл уриши мумкин бўлади.

“Таҳлилларга кўра, инсон 99 фоиз ахборотни кўз орқали олади. Демак, ОАВнинг муҳим йўналиши бўлган телевидение инсонлар учун ўз-ўзидан

¹¹ Каримов А. Электрон оммавий коммуникация воситалари тизимида ТВнинг ўрни ва унинг ёш авлод онгига таъсири масалалари, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. – Т.:2013, –Б.42.

бирламчи ахборот манбаи саналади... Ахборот тарқатаётган ОАВ борки, омма талабидан келиб чиқадиган ахборот орқалигина муносиб ўрин эгаллаши мумкин. Зеро, ахборот товар характери олар экан, рақобатнинг юзага келиши ҳам табиий”.¹²

Ахборот жанрларида асосий эътибор корхоналар, муассасалар, ишлаб чиқариш жараёнлари, маиший мавзулар, тадбирларга қаратилган бўлади. Воқеаларни кўрсатишдан мақсад содир бўлган ҳодиса ва жараёнлари ҳақида томошабинни хабардор қилиш. Зеро, ахборот кўрсатувларда асосий мезон тезкорлик, тўғридан-тўғри олиб кўрсатиш, томошабиннинг воқеалар шохиди бўлишини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, мазкур жанрлар ичида энг кўп мурожаат қилинувчи маъруза, суҳбат, интервью, лўкма (реплика) ҳам замон талабидан келиб чиққан ҳолда анъанавий ҳамда ноодатий интерактив тарзда кўпроқ ток-шоулар ташкил этилмоқда. Хусусан, “*UzReport*” каналида эфирга узатилаётган ахборот-информацион дастурларда аудиторияга кўпроқ маълумот бериш, яъни экранда югурувчи сатрлар ёрдамида маълумот узатиш, “*Тошкент*” каналида эса ахборий кўрсатувлар вақтида ҳам, ўзбек халқ мақоли ва ҳикматли сўзларни югурувчи сатрлар орқали бериш амалиётга жорий этилган. Жорий йилдан ўз фаолиятини бошлаган “*My5*” канали ходимлари эса янгиликларни умуман ноодатий тарзда аудиторияга тақдим этиш устида жиддий бош қотираётгани кўринмоқда. Бу эса “ахборий-кўнгилочар” сўзига ёрқин мисол бўла олади.

Таҳлилий жанрларда юзага келган ўзгаришлар ҳақида гап кетар экан у англатган маънога ҳам урғу бериш мақсадга мувофиқ. “Таҳлил”, – дейилади “Луғат-маълумотнома”номли китобда, – тадқиқотнинг илмий усули, унинг асосида факт, воқеа ва ҳодисалар таркибий элемент, қисмларига ажратилади, турли жиҳатлардан ўрганилади. Журналистикада таҳлил бўлиб ўтаётган воқеа-

¹² Бўриева Ҳ. Информацион дастурларда жанрлар ранг-баранглиги, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”, – Т.: 2013, –Б.49.

ходиса моҳияти, унинг ижтимоий аҳамияти берилади.¹³ Таҳлилий жанрлардаги интеграция жараёни кўпроқ жаҳон ва миллий телеканалларда эфирга узатиладиган ток-шоуларнинг фаолиятида кўпроқ кузатиш мумкин. Унда ҳаётдаги турли хил муаммо, ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар ва воқеа-ҳодисалар таҳлил қилинаётганда бошқа телевизион жанрларга ҳам мурожаат қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, “Ўзбекистон” телеканалида эфирга узатиладиган “Қорачиқ” кўрсатувида ҳам бугуннинг долзарб муаммоси муҳим масаласи мавзу қилиб олиниб, унинг таҳлили ҳам мутахассисдан олинган интервью, ҳам драматик сахна кўриниш орқали баён қилиб берилади. Бу эса таҳлилий ва бадий-публицистик жанрларнинг ўзаро интеграциясини кўрсатади.

Таҳлилий кўрсатувлар эфирда кўп вақтни эгаллаши ва меҳнат талаб қилганлиги учун ҳам томошабин диққатини жалб қилиш усулларида самарали фойдаланиши лозим. Йўқса, экран олдида ўтирган томошабинлар мавзуга унча қизиқмайди. Ток-шоу бошловчиси бу ҳолларда студияга таклиф этилган ва баҳсда иштирок этаётган аудитория билан мутахассислар ўртасида боғловчилик ҳамда воситачилик вазифасини бажаради. Хусусан, “Тошкент” каналида эфирга узатиладиган “Очиқ мулоқот” кўрсатувида бошловчи соҳа мутахассислари ва аудиторияни жонли мулоқотини ташкил қилади. Бунда журналистиканинг ҳар учала жанр — бошловчининг мавжуд ҳолат ҳақида маълумот бериши(ахборий), мутахассислар билдирган таҳлил(таҳлилий) ва кўрсатув давомида эфирга узатилган мавжуд ҳолат намоиши(бадий-публицистик) орқали ўзаро умумлашма ҳолда томошабинга тақдим этилади.

Бадий жанрларда ҳам интеграция жараёни кузатилиши мумкин. Бунда очеркдек муаллифдан катта истеъдод, маҳорат, ижод талаб қиладиган бошқа жанр бўлмаса керак. Сабаби, очеркнинг бошқа жанрлар билан алоқага киришиши амалиётда кўпроқ кузатилади. Журналист телеасарда воқеа ҳақида

¹³ Абдусагатов Ф. Телевидениеда шарҳ: ўзига хос жиҳатлар, “Аудиовизуал журналистиканинг долзарб муаммолари (илмий мақолалар тўплами)”, – Т.: 2008, –Б.56.

ҳам ахборот бериши, ҳам таҳлил қилиши билан бир қаторда бадиий безак бериш мақсадини ўз зиммасига олиши керак. Хусусан, “Ўзбекистон” каналида эфирга узатиладиган “*Юрган — дарё*” кўрсатувида бадиий-публицистик ижод намунаси билан бир қаторда бошқа жанрларнинг элементларини ҳам учратиш мумкин.

ХУЛОСА

Тележурналистика жанрларида журналист услуби ва телеканалнинг обрўси акс этади. Сабаби, у ижодкорнинг изланиши, меҳнати туфайли яралиб бирор телеканал тасдигидан ўтгачгина эфирга узатилади. Биз юқорида алоҳида турларга ажратган тележурналистика жанрлари – ахборий, таҳлилий, бадий-публицистик жанрлар ривожланишдан сира тўхтамайди. Яъни жанрлар ранг-баранглиги доим янгиланиб туради. Айниқса, бу жамиятнинг ривожланиш даврида фаол рўй беради. Шу сабадан, му жараёни тизкорлик билан тадқиқ этиш масаласи кўндаланг бўлиб туради. Зеро, *“Ҳар бир жамият аввало демократияга муносиб бўлмоғи керак. Зеро, эркинлик ва масъулият ўртасидаги энг одил посангини топиш шу қадар мушукул муаммоки, бу мавзуда ҳар қанча тадқиқот олиб борилса, изланишлар қилинса шунча оз”*¹⁴.

Ютуқ. Мазкур курс ишида ахборий жанрларни ривожлантириш аҳамияти, таҳлилий кўрсатувларнинг долзарблиги ҳамда бадий-публицистик жанрларга бўлган томошабинни эҳтиёжи ишончли манбаларга асосланган ҳолда ўрганилди. Бунда миллий телеканалларда эфирга узатилаётган бир қатор кўрсатувлар ҳам кузатилиб, уларнинг жанр хусусиятлари очиқ берилди.

Шунингдек, тележурналистика жанрларининг интеграциясини юзага келтирувчи омиллар ҳам алоҳида тадқиқ этилди. Бундан кўриниб турибдики, курс ишида ҳам анъанавий жанрларга хос бўлган хусусият, ҳам “замонавий” жараёнлар асосида кеиб чиқаётган жанрлар интеграцияси ҳақида сўз боради.

Камчилик. Назарий жиҳатдан телевидениеда эфирга узатилаётган ҳар бир асар ҳам бирор бир шаклда (жанрга) мансуб бўлган ҳолда оммага тақдим этилади. Лекин айрим журналистлар ўзи эфирга узатаётган телевизион асарнинг қайси жанрга мансуб эканини аниқ айтиб бера олмайди. Сабаби, бу

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.269.

борада етарлича билимга эга эмас. Шу сабабдан, курс ишида тележурналистика жанрларининг интеграцияси масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Муаммо. Гарчи бу борада илмий адабиётлар мавжуд бўлсада, уларнинг аксариятида мавзу ҳаётий мисоллар ёрдамида тўлиқ очиб берилмагани ҳамда кўпчилиги чет тилларда экани ишни ўрганиш жараёнини орқага сурди.

Таклифлар. Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ОАВда фойда олиб бораётган ҳар бир журналистнинг ўз услуби, ижодкорлиги бўлиши лозим. Шундагина у томошабинга янгиликни бериши, ҳеч ким намоёиш этмаган ифода йўсинини тақдим қилиши мумкин бўлади. Шунингдек, журналист тайёрлаётган материалнинг мавзусига қараб унга мос бўлган жанрнинг тўғри танлай олса ва уни қизиқарли қилиш учун бошқа жанрлардан зарур элементларидан фойдаланилса, бугунги талабчан ва камдан-кам ҳолатлардагина ҳайратга тушувчи аудиторияни қизиқтира олишдек вазифани юқори савияда, сифатли қилиб бажара олиш имконияти кенгаяди. Бу эса тележурналистика жанрларини янада чуқур ўрганиш лозимлигидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Муҳаммедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари, – Тошкент-2009.
3. Винтерхофф-Шпурк П. Медиапсихология. Основные принципы. Пер. с нем. Харьков. Гуманитарные центр, 2007.
4. Багиров Э. Очерков теории телевидения. –М.:1978.
5. Абдусагатов Ф. Телевидениеда шарҳ: ўзига хос жиҳатлар, “Аудиовизуал журналистиканинг долзарб муаммолари (илмий мақолалар тўплами)”, – Т.: 2008.
6. Бўриева Х. Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами). Т.:2013.
7. Каримов А. Рекреатив чиқишларнинг замонавий хусусиятлари, “Замонавий тележурналистиканинг тараққиёт тенденциялари: маҳорат, тажриба, ихтисослашув (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2015.
8. Мамадалиева Ш. Замонавий масс медианинг янги тенденциялари ва долзарб муаммолари (илмий мақолалар тўплами). Т.:2014.
9. Муродова З. Миллий телеканалларда тонгги кўрсатувлар, “Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами)”. – Т.:2013.
10. Файзиева Ф. Бадиий телевидениенинг тараққиёт босқичлари, “Замонавий тележурналистиканинг тараққиёт тенденциялари: маҳорат, тажриба, ихтисослашув (илмий мақолалар тўплами)”. –Т.:2015.
11. Хамроев Н. Оммавий коммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами). Т.:2013.
12. www.ref.uz сайти.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	2
Ахборий дастурларда жанрларнинг ранг-баранглиги.....	5
Таҳлилий кўрсатувлар – жамият ривожининг асоси.....	9
Санъат акс этган бадий-публицистик жанрлар ҳамда рекреатив кўрсатувлар	13
Тележанрлар интеграциясини юзага келтирувчи омиллар.....	19
Хулоса ва таклифлар	25
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	27